



**PRINCIPLES OF GLOBALIZATION IN THE SPIRITUAL TRANSFORMATION OF YOUTH
(ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN AND THE MIDDLE EASTERN COUNTRIES)**

Akhadjon Jurayev
 Doctoral student
 Institute of Social and Spiritual Studies
 Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: globalization, spiritual transformation, socio-political processes, youth consciousness, transnational ideologies.

Received: 19.11.25
Accepted: 20.11.25
Published: 21.11.25

Abstract: The article analyzes the fact that globalization, which is rapidly developing today, implies the intensification and integration of economic, political, cultural, and information processes on a global scale. In this context, particular attention is paid to the strong impact of this process on the consciousness of young people and their spiritual identity.

**ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИДА ГЛОБАЛЛАШУВ
ТАМОЙИЛЛАРИ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯҚИН ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА)**

Ахаджон Жўраев
 Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти докторанти
 Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: глобаллашув, маънавий трансформация, ижтимоий жараёнлар, трансмиллий мафкуралар.

Аннотация: Мақолада бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув жаҳон миқёсида иқтисодий, сиёсий, маданий ва ахборот жараёнларининг жадаллашуви ва интеграциялашувини англатишини инобатга олинадиган бўлса, юқорида бу жараён, айниқса, ёшлар онгига ва уларнинг маънавий қиёфасига кучли таъсир кўрсатиши таҳлил қилинган.

**ПРИНЦИПЫ ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ДУХОВНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ МОЛОДЕЖИ
(НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА И СТРАН БЛИЖНЕГО ВОСТОКА)**

Ахаджон Жураев

Докторант

Института социально-духовных исследований

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: глобализация, духовная трансформация, социально-политические процессы, сознание молодежи, транснациональные идеологии.

Аннотация: В статье анализируется тот факт, что глобализация, стремительно развивающаяся в современном мире, означает усиление и интеграцию экономических, политических, культурных и информационных процессов в мировом масштабе. В этом контексте особое внимание уделяется сильному воздействию данного процесса на сознание молодежи и ее духовный облик.

Кириш. Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ўзбекистон, қолаверса, дунё ҳамжамияти глобаллашув таъсирида турлича йўналишларда маънавий трансформацияларга дуч келмоқда.

Глобаллашув тамойилларининг ёшлар онгига таъсир кўрсатувчи асосий жиҳатлари эса қуйидагилардан иборат:

-ахборот эркинлиги ва рақамли технологияларнинг кенгайиши;

-маданиятлараро мулоқот ва гибрид маданиятларнинг вужудга келиши;

-миллий қадриятлар ва глобал стандартлар ўртасидаги зиддият;

-трансмиллий мафкураларнинг тарқалиши;

-таълим ва замонавий билимлар тизимининг оммавийлашуви;

- ижтимоий тармоқлар ва онлайн трендларнинг ёшлар онги, психологияси ва маънавий дунёсига салбий таъсири.

Тадқиқот усуллари. Мақолада таққослаш, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, холислик тамойиллари, социологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Натижалар. Яқин Шарқ мамлакатларида глобаллашув ижтимоий, диний, маънавий қадриятлар билан зиддиятли мувозанатда ривожланмоқда. Ижтимоий тармоқлар ва “оммавий маданият” орқали Ғарб қадриятлари ёшлар онгига беихтиёр сингмоқда.

Бу эса баъзида радикализмга, шунингдек, идентитет инқирозига олиб келади. Яқин Шарқ минтақаси сўнги ўн йилликларда сиёсий инқирозлар, қуролли тўқнашувлар ва ижтимоий беқарорликлар марказига айланди. Бу жараёнда ёш авлоднинг радикал ғояларга мойиллиги, уларнинг ифратчи ҳаракатларга қўшилиши долзарб масалага айланмоқда. Хусусан, 2011 йилги “Араб баҳори”дан сўнг минтақада ёшлар орасида сиёсий ва диний

радикаллашув даражаси кескин ошди. Бундай ҳолатларни илмий таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини аниқлаш замонавий ижтимоий-сиёсий таҳлиллар учун муҳим аҳамиятга эга.

Минтақа ёшлари радикаллашувининг қуйидаги омиллари асосий сабаб бўлмоқда:

Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий омиллар, яъни Яқин Шарқ мамлакатларида ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси юқори бўлиб, баъзи давлатларда 30–40% га етади. Масалан, БМТнинг Тараққиёт Дастури (UNDP) маълумотларига кўра [1], Ироқ ва Яманда 18–30 ёшли ёшлар ўртасида ишсизлик 35% дан ошган.

Иккинчидан, сиёсий таъқиб ва авторитар тузумлар бўлиб, қатор давлатларда сиёсий муҳолифатни босим остига олиш, сўз эркинлигининг чекланганлиги ёшлар орасида норозилик туғдирмоқда [2].

Муҳокама. Сурия, Ироқ, Яман, Фаластин, Миср, Иордания каби давлатларда радикаллашув даражаси турлича. 2023 йилги Arab Youth Survey натижаларига кўра, 18–24 ёшли араб ёшларининг 65% и “минтақамизда барқарор келажак йўқ” деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида, радикаллашув минтақада ижтимоий парокандалик, қочқинлик ва миграция, хавфсизлик муаммолари сингари оқибатларни келтириб чиқармоқда. Мазкур оқибатлар кўламини камайтириш ва олдини олиш бўйича минтақа мамлакатлари томонидан турли чоралар ва стратегиялар ишлаб чиқиляётганлигини эътироф этиш жоиз. Масалан, Саудия Арабистони, БАА ва Қатарда диний ислохотлар, ёшлар учун таълим ва лойиҳалар орқали радикализмга қарши чоралар кўрилмоқда. Айрим давлатлар таълим орқали ёшларнинг онгини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.

UNESCO, UNDP каби халқаро ташкилотлар ёшларнинг радикаллашувини олдини олишга ёрдам бермоқда. Лекин, бу тадбирлар ёшлар контингентининг катта қисмини қамраб олишдан ожиз.

Яқин Шарқ ёшлари орасида радикаллашув ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар натижаси бўлиб, бу жараён минтақавий барқарорликка таҳдид солади. Давлат ва халқаро ҳамкорликда барқарор сиёсат орқали бу муаммони енгиб ўтиш мумкин.

“Яқин Шарқ давлатларида кузатиляётган замонавий сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий жараёнларни таҳлил этиб бориш Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Минтақадаги сиёсий воқеликлар, жамиятларда юз бераётган ўзгаришлар, зиддиялар, муҳожирлар масаласи, ёшлар тақдири, тиббиёт, таълим, маънавий ҳаётдаги жараёнлар анализи – Ўзбекистон жамоатчилигини қизиқтирадиган, мавжуд вазиятни ўрганиб, тегишли таҳлилий хулосалар олишда, жорий муаммолар ечимини, топишда муҳим бўлган вазифалардан. Уларнинг мазкур муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаолияти ва тажрибалари Ўзбекистон учун миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам фойдалидир” [3].

Ўзбекистонда глобаллашув жараёни миллий кадриятларни сақлаган ҳолда кечмоқда.

Давлат сиёсатида “маънавиятли ёшлар” модели илгари сурилмоқда. Ижтимоий тармоқлар, хорижий оммавий ахборот воситалари, кино ва мусиқалар ёшлар дунёқарашини кенгайтирмоқда, лекин маънавий тафаккурда ғарбча стереотиплар пайдо бўлиш хавфи мавжуд. Зеро, “ҳозирги пайтда маданиятни сиёсийлаштириш билан боғлиқ мураккаб жараён содир бўлаётганини қайд этиб ўтиш лозим. Ғарбдаги кўп мамлакатлар учун бу одатий ҳодиса: Европа ва АҚШда оммавий маданият давлат аппарати, шунингдек, қудратли трансмиллий компаниялар томонидан молиявий ва иқтисодий жиҳатдан қаттиқ қўллаб-қувватланади” [4].

Глобаллашув ёшлар маънавиятида янги имкониятлар билан биргаликда хавф-хатарларни ҳам юзага келтирмоқда. Яқин Шарқ давлатларида бу жараён кўпроқ зиддиятли ва сиёсий-диний муаммолар билан боғлиқ бўлса, Ўзбекистонда эса глобаллашув миллий кадриятларни сақлаган ҳолда бошқаришга уринилмоқда. Ҳар икки ҳудудда ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш долзарб вазифадир.

Шундай шароитда барча соҳалар қатори, ғоя ва мафкура жабҳасига катта эътибор берилса, ёшлар онги ва дунёқарашда кузатилиши мумкин бўлган иллатларнинг бартараф қилиниши, мамлакатимизнинг барқарор, тинч ҳаёти таъминланади. Демак, мақсад миллий ғояни мустаҳкамлаш экан, миллий ўзликни англаш, бой ва шонли тарихимизни чуқур ўрганиш бўйича илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш, соҳа мутахассисларига зарур шароитларни яратиш керак.

Янги Ўзбекистоннинг миллий ғояси инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик асосига қурилмоқда. Жамиятимиз мафкураси инсоннинг кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, фаровон ҳаётини таъминлашга, эзгу ва инсонпарвар ғояларни сингдиришга хизмат қилади. Бугун давлатимиз ва жамиятимиз миллий ғоя ва маънавий янгиланиш борасида ҳам янги босқичга кўтарилди, бир қанча амалий натижаларга эришилди.

Узлуксиз таълим тизимида “Миллий ғоя” туркумидаги фанларга эътиборнинг камайгани, уларнинг таъсир кучи етарли даражада бўлмаганлиги боис, жамиятимиз, айниқса, ёшлар қалбида мафкуравий иммунитетни тарбиялаш ишларининг самарадорлиги сезилмаяпти. Афсуски, кенг дунёқараш ва гўзал маънавиятни шакллантирадиган ғоявий тарбия механизмининг тўлиқ ишламаслиги соҳадаги натижаларга таъсир ўтказмоқда.

Жамиятимизда бунёдкор миллий ғояни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятимизни бутунлай янги поғонага олиб чиқиш вақти келди. Бу янги давлат мафкурасини яратишга уриниш ёки олдинги миллий истиқлол мафкурасини замонга мослаштириш эмас, балки ғояни янгилаш, ғоявий янгиланиш сари қадамдир. Бу жараён жаҳон идеосферасининг илғор ва таъсирчан таркибий қисмига айланиши зарур. Демак, Ўзбекистонда жамиятни

реидеологиялаш стратегияси ҳамда ҳаётӣ тамойилларни ғоявий янгилаш концепциясини ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш асосий заруриятлардан бирига айланган.

Ёшлар билан ишлаш стратегияси жаҳоннинг кўплаб давлатларида синовдан ўтмоқда. У мамлакатларнинг тараққиётига катта ҳисса қўшадиган жараёнлардан, унинг Ўзбекистонга, миллий ғояни ривожлантириш босқичига хос қуйидаги йўналишдаги долзарблиги ва ўз вазифалари бор:

- Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишда ёшлар билан ишлашда ғоявий омиллар таъсирчанлигини ошириш;
- ёшларнинг янги маънавий маконини бунёд этиш ва халқимиз, айниқса, ёш авлодда илғор дунёқарашни тарбиялаш;
- юртимизда ривожланган фуқаролик жамияти ҳамда мустаҳкам давлат барпо этишнинг мафкуравий тамойилларини мустаҳкамлаш;
- мамлакат аҳолиси, хусусан, ёшларнинг ғоявий онги, дунёқарашини кенгайтириш, улардаги креатив, мустақил фикрлаш, яратувчанликни рағбатлантириш;
- жамиятда ёшларнинг мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамда маънавий жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш.

Юқорида айтилганлар бугун ўз тараққиёт йўлидан илдам бораётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси – халқаро доирада ўзига хос ва мос имиджини яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, келажак режаларидаги устувор тамойилларни амалга оширишда етакчи бўлиши лозим.

Шу боис, фаолият давомида асосий эътиборимиз халқимиз тинчлиги ва тотувлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлиги, миллий анъана ва урф-одатларнинг барҳаётлигини асраб-авайлаш, ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам ана шу – миллий руҳ ва миллий ғоя негизида тарбиялашга қаратилади.

Бу мақсад йўлида масъул идоралар томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда, мустақил фикрли, ўз қарашлари ва эътиқодида маҳкам, ғоявий онги шаклланган шахсларни тарбиялашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди, ёш авлод тарбияси борасида амалий ҳаракатлар қилинмоқда.

Аммо, шунга қарамасдан, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлиги, эзгу ва инсонпарвар ғояларнинг кенг тарғиботига салбий таъсир кўрсатаётган, бу соҳанинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий янгилашнишларга ҳам оҳанг эмаслигига олиб келган муаммолар мавжуд. Булар:

биринчидан, янги Ўзбекистоннинг миллий мафкурасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишида масъул бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари маънавий-маърифий тарғибот ишида ҳануз расмиятчилик ва буйруқбозликдан воз кечолгани йўқ;

иккинчидан, бу борадаги масалалар билан шуғулланадиган қатор ташкилотларнинг бугунги фаолияти талаб даражасида эмас;

учинчидан, фарзандлар тарбиясида кичик ёшидан бошлаб миллийликка, маънавий кадрларга эътибор қаратиш, оила, боғча, мактабдан бошлаб мафкуравий тарбияни шакллантириш орқали ёт ғояларга қарши туриш борасидаги тадбирлар самарали йўлга қўйилмаган;

тўртинчидан, ёш авлодда ватанпарварлик, халқ ва миллат тақдирига дахлдорлик туйғуларини сингдириш, аҳолида бегона ва бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга доир олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас;

бешинчидан, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшларда тинчлик ва барқарорликни асраш йўли бўлган эзгу ғоялар – миллий ва умуминсоний кадрларга содиқлик, бағрикенглик, инсонпарварлик қабиларни тарбиялаш ҳамда инсонийликка қарши бўлган бузғунчи ғояларга нисбатан нафрат ва мурасасизлик туйғуларини сингдириш борасидаги фаолият ҳам қониқарли ҳолатда эмас.

Ҳозирги дунё манфаатлар тўқнашуви, рақобат ва мафкуралар зиддияти кескинлашган майдонга айланди. Шиддатли глобаллашув жараёни ютуқлар билан бирга янги муаммоларни келтириб чиқарди. Миллатлар тақдирига, миллий ўзлик ва миллий маънавиятларга нисбатан таҳдидлар тобора кўпаймоқда. Ҳаётини тажрибага эга бўлмаган шахсларни фақат ўзини ўйлайдиган, лоқайд, енгилтак инсонларга айлантиришга уринилмоқда. Ўз мақсади йўлида ҳар қандай усуллардан фойдаланаётган айрим кимсалар туфайли чегара билмас иллатлар, жиноятлар хавфи кучайиб бормоқда. Терроризм, экстремизм, наркомания, одам савдоси каби хатарлар билан бир қаторда, айрим ҳудудларда атайлаб норозиликлар чиқариш, фитналар уюштириш қабилар инсоният бошига оғир синовларни олиб келаяпти. Охириги пайтларда турли сабаблар оқибатида юзага келган глобал иқтисодий инқироз бундай ғаразли ниятлар учун қўл келмоқда.

Биз жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкинлигига узоқ тарих мобайнида ишонч ҳосил қилганмиз. Маърифат тарқатувчи таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор қаратаётганимиз сабаби ҳам шунда. Жамиятда ўқитувчилар нуфузини оширишга аҳамият қаратилмоқда, бу борада, керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Хулоса. Яқин ўтмиш тажрибасида бўлганидек, маънавий таҳдидларга қарши фақат таълимнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу ишга ҳамма куч ва имкониятларни, ҳамма жабҳаларни сафарбар этмасак бўлмайди. Айтиш керакки, бугун болаларимизни телефон, интернет тарбиялаб қўймоқда, таълим-тарбияни ҳам мактаб ёки боғчадан эмас, телефондан

ўзлаштирмоқда. Бу алоқа воситалари ўрни келганда ёт ва бузгунчи ғоя ва иллатларни тарқатишнинг энг самарали қуролига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNDP Report on Arab Youth and Unemployment, 2022.
2. Meleagrou-Hitchens, A., et al. "The Internet and the Radicalization of Youth" 2017.
3. Ғофуров С. Туркия ва ислом: Маънавий, қадриятлар ва замонавий тенденциялар. Маънавий тарбия ва тарғиботнинг замонавий технологиялари ҳамда таъсирчан усуллари: республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент: "Afzalzoda books" нашриёти, 2023. – Б 181.
4. Ғоибназаров Ш. Оммавий маданият трансформацияси жараёнлари. Маънавий тарбия ва тарғиботнинг замонавий технологиялари ҳамда таъсирчан усуллари: республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент: "Afzalzoda books" нашриёти, 2023. – Б 185.